

Ўзбекгидроэнерго исломий облигациялар чиқаришни режалаштирилмоқда



21:30 / 04.02.2021 1889

Жорий йилнинг 2 февраль куни, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ўртасида «Ҳар тарафлама ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳамфикрлик меморандуми» имзоланди. Бу ҳақда UzbekGidroEnergo ахборот хизмати хабар берди.

Маълумотга кўра, мазкур Меморандум «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг маҳаллий ва хорижий капитал бозорларига чиқиши бўйича ҳамкорлик қилиш, қимматли қоғозлар, жумладан, Ислом тамойилларига асосланган сукук қимматли қоғозларни чиқариш орқали инвестиция фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда томонларнинг ўзаро манфаатларини ифодаловчи бошқа фаолият турларининг муҳим йўналишлари бўйича келишувга эришилган.

Шу билан бирга, тегишли чора-тадбирлар ижроси натижасида жорий йилнинг июль-август ойларида облигацияларни чиқариш режалаштирилмоқда.

Бу борада, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ҳам ўз ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, «яшил» Ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларни чиқариш бўйича изчил изланишлар олиб бормоқда. Маълумки, бугунги кунга қадар жамиятимиз бир қатор нуфузли хорижий банклар билан исломий облигацияларни жойлаштириш бўйича музокаралар олиб борди. Хусусан, АҚШнинг «Citibank», «JPMorgan Chase», Швейцариянинг «Credit Suisse», Бирлашган Араб Амирликларининг «Emirates NBD», Франциянинг «Societe Generale» сингари нуфузли банклар билан исломий облигацияларни жойлаштириш бўйича музокаралар олиб борилди.

Ўйлаймизки, мазкур келишув «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг маҳаллий капитал бозоридаги ролини ошириш, корхонанинг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш ва инвестиция фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Манба: uzgidro.uz